

## А Ж Р И М

*(ярашганлик муносабати билан жиноят ишени тугатиши тўғрисида)*

2026 йил февраль ойининг 5 кунда жиноят ишлари бўйича Тойлоқ туман суди ўз биносида, очик суд мажлисида, раислик қилувчи судья Х.Аминов, судья ёрдамчиси А.Хамраевнинг котиблигида, Тойлоқ туман прокурорининг катта ёрдамчиси У.Рахимов, судланувчи [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси “DAMINZODA LAW OFFICE” адвокатлик бюроси адвокати О.Мустафаева, жабрланувчининг қонуний вакили Ф.Тоштемировларнинг иштирокида,

[REDACTED] Самарқанд туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, оилали, 3 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, маълумоти ўрта, вақтинча ишсиз, Самарқанд тумани, “Арабхона” маҳалласи, Ўзбекистон кўчаси, 90-уйда яшайди, эҳтиёт чораси сифатида “тилхат” қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2026 йил 6 январь куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан судланувчи [REDACTED] оид 1-1415-2601/14-сонли жиноят ишени кўриб чиқиб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И:

Дастлабки тергов ҳужжатларига кўра, [REDACTED], 2025 йил 22 август куни соат 09:00 да Тойлоқ тумани “Сариосиё” маҳалласи худудидан ўтувчи А-377 автомобил йўлида фуқаро Сафаров Қахрамон Хазратқуловичга тегишли бўлган Ласетти русумли 30 X 241 УА давлат белгили автомашинасини тегишли ҳужжатлар билан бошқариб келиб, амалдаги йўл ҳаракати қоидаларининг 11-банди г-кичик хатбошидаги “Транспорт воситасининг ҳайдовчиси ҳаракатланиш жараёнида бошқа йўл ҳаракати иштирокчиларига, айниқса, пиёдалар, болалар, ногиронлар, қариялар, индивидуал ҳаракатланиш воситалари ва велосипедчиларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўришга мажбурдир” ва 53-бандидаги “Ҳайдовчи ҳаракатланишни бошлаш, манёвр қилиш (қайта тизилиш, бурилиш, қайрилиб олиш, қувиб ўтиш ва айланиб ўтиш) ва тўхташдан олдин бажарилаётган манёвр бошқа йўл ҳаракати иштирокчиларини ҳаракатланишига хавф туғдирмаслиги керак.” ҳамда 77-бандидаги “Ҳайдовчи ҳаракатланишнинг серқатновлигини, транспорт воситасининг ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек, ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олиб транспорт воситасини белгиланган тезликдан оширмаган ҳолда хавфсизликни таъминловчи тезлик билан бошқариши керак. Тезлик ҳайдовчига ушбу Қоидалар талабларини бажариш учун транспорт воситасининг ҳаракатланишини доимий назорат қилиб бориш имкониятини бериши керак. Ҳайдовчи транспорт воситасини бошқариш пайтида аниқлай олиши мумкин бўлган хавф юзага келса,

у транспорт воситасининг тезлигини тўлиқ тўхташни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат иштирокчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши керак.” деб кўрсатилган талабларини кўпол равишда бузиб, йўлни ўнг томондан чап томонга кесиб ўтаётган вояга етмаган 31.08.2019 йилда туғилган Тожикистон Республикаси фуқароси Фарходзода Фаррухни уриб юбориши натижасида йўл транспорт ходисаси содир қилиб, ушбу йўл транспорт ходисаси натижасида вояга етмаган 31.08.2019 йилда туғилган Тожикистон Республикаси фуқароси Фарходзода Фаррух “Оғир тан жароҳатлари” олганлиги аниқланган.

Ўзбекистон Республикаси ССВ РСТЭИАМ Самарқанд филиали Тойлок тумани суд тиббий экспертиза бўлимининг 2025 йил 06 сентябр кунидаги 372-сонли экспертиза хулосасида фуқаро Фарходзода Фаррухни танасида, яъни пешона чап тирсак соҳаларида шилинмалар, ўнг катта ва кичик болдир суякларини пастки учлигидан синиб силжиши каби тан жароҳатлари аниқланган бўлиб, ўтмас қаттиқ жисмлар таъсирида етказилганлиги, жароҳатларнинг жойлашган ўрни ва хусусиятларига кўра бу жароҳатларни қарорда кўрсатилган вазиятда яънги ҳаракатда бўлган автомашина тўкнашувида автомашина ташқи бўриб турувчи қисмларини танага урилиши натижасида юзага келиши мумкинлиги инкор этилмаслиги, ушбу жароҳатлар умумий меҳнат қобилиятини салмоқли қисми, учдан бирдан кўпроғини турғун йўқотилишига олиб келишлиги ва шунинг учун “оғир тан жароҳатлари” гуруҳига киришлиги, етказилган вақти ва жароҳатларни хусусиятларига кўра қарорда кўрсатилган ва тиббий картада ҳамда текширилувчини отаси айтган муддатга тўғри келишлиги кўрсатиб ўтилган. Самарқанд вилояти ЭКМнинг 07.09.2025 йилдаги №1273-сонли экспертиза хулосасида Ласетти русумли 30 X 241 УА давлат белгили автомашинасининг ишчи тормоз тизимлари ва рул бошқаруви механизмлари техник жихатдан ишга яроқли ва соз ҳолда эканлиги кўрсатилган.

Судга жабрланувчининг қонуний вакили Ф.Тоштемиров ва судланувчи [REDACTED] ариза билан мурожаат қилишиб, жиноят ишини ярашганликлари муносабати билан тугатишни сўрашган.

Суд мажлисида сўралган [REDACTED] содир этган жиноий қилмишига тўлиқ иқдор ва пушаймон эканлигини, жабрланувчининг қонуний вакили Ф.Тоштемировдан кечирим сўраб, у билан ўзаро ярашганлигини, ҳозирги кунда жабрланувчининг қонуний вакили Ф.Тоштемировни унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, қилмишининг оқибатларини англаб етганлигини, ўрталарида моддий зарарлар мавжуд эмаслигини баён қилиб, жиноят ишини ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига асосан тугатишни сўраб кўрсатма берди.

Суд мажлисида сўроқ қилинган жабрланувчининг қонуний вакили Ф.Тоштемировни судланувчи [REDACTED] нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, у билан ярашганлигини, ўрталарида ҳеч қандай зарарлар йўқлигини, ўз ихтиёри билан ярашганлигини, унга четдан ҳеч қандай тазйиқ бўлмаганлигини баён қилиб, мазкур жиноят ишини ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига асосан тугатишни сўраб кўрсатма берди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасида ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқдор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши назарда тутилган.

Суд, судланувчи [REDACTED] ва жабрланувчининг қонуний вакили Ф.Тоштемиров бир-бирлари билан ярашганликлари ва ўрталарида ҳеч қандай моддий ва маънавий зарарлар йўқлигини, [REDACTED] муқаддам оғир ва ўта оғир жиноятни содир этмаганлиги, ярашув тўғрисидаги аризани ўз ихтиёрлари билан бераётганликларини, уларга четдан ҳеч қандай тазйиқ ўтказилмаганлигини инобатга олиб, ярашув тўғрисидаги суд баённомасини тасдиқлаб, [REDACTED] содир этган жиноий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасининг таъсир доирасига тушишлигини эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 25 октябрдаги “Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 27-сонли Қарори талабларига риоя қилиб, суд Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисмига асосан судланувчи [REDACTED] айблилиги ҳақидаги масалани ҳал қилмасдан жиноят ишини ҳаракатдан тугатиб, жиноий жавобгарликдан озод қилишни, унга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чорасини бекор қилишликни ҳамда жабрланувчига Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 6-қисми талабларини тушунтиришни лозим деб топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми, 585-586 моддаларига амал қилиб, суд

#### **А Ж Р И М Қ И Л Д И:**

[REDACTED]  
нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан бўлган жиноят иши тарафларнинг ярашуви муносабати билан тугатилиб, жиноий жавобгарликдан озод қилинсин.

[REDACTED] нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат” эҳтиёт чораси ажрим қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин.

Жабрланувчининг қонуний вакили Тоштемиров Фарход Худойкуловичга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 6-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг улар мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотиши тушунтирилсин.

Ажримдан норози томон ушбу суд орқали ўн кун муддат ичида Самарқанд вилоят судига апелляция тартибида ёхуд ажрим қонуний кучга кирганидан сўнг кассация тартибида хусусий шикоят ёки прокурор хусусий протест келтиришлари мумкин.

**Раислик қилувчи судья:**

*/имзо/*

**Х.Аминов**

*Аслига тўғри:*